O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# КОНСТИТУЦИЯ ДАВЛАТНИ ДАВЛАТ, МИЛЛАТНИ МИЛЛАТ СИФАТИДА ДУНЁГА ТАНИТАДИГАН ҚОМУСНОМАДИР

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

2002 YIL
6 DEKABR
JUMA
№ 150-151 (27.010)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.





## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонларига мувофиқ Истиқлолимизнинг 11 йиллик улкан тўйи арафасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

5 декабрь куни — эркимиз ва истиқлолимиз тимсоли бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун байрами арафасида Оқсарой қароргоҳида бир гуруҳ ватандошларимизга ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сизлар билан бугунги учрашувимиз ўзига хос, ажойиб, хосиятли бир кунда ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Аввало, бугун Конституциямизнинг қутлуғ ўн йиллиги байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган сиз азизлар билан учрашиб, очиқ чеҳрангизга боқиб, сизларни ана шу буюк сана билан табриклаш, муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлайди.

Президентимиз маросим иштирокчилари билан бугун яна бир муборак айём — халқимиз, миллатимиз, дунёдаги барча мўмин-мусулмонларнинг табаррук байрами — Рамазон ҳайити арафасида дийдор кўришиб турганидан мамнуният изҳор этаркан, уларни ва улар орқали бутун халқимизни кўнгилларга эзгу ва ёруғ туйғулар олиб кирадиган ана шу улуғ кун билан самимий табриклади.

Мамлакатимизнинг ўн бир йиллик мустақиллик тарихида яхши бир одат шаклланиб, доимий анъанага айланиб қолди.

Яъни, ҳар йили Ватанимизнинг Мустақиллик байрами муносабати билан юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган инсонларни айнан Конституция куни арафасида табриклаб, уларнинг шодлиги ва қувончига шерик бўлмоқдамиз.

Шуни айтишим керакки, деди Ислом Каримов, бу воқеа, аввало, шахсан менинг ўзимга катта қувонч бағишлайди. Чунки мен бундай учрашувларда халқимизнинг нафақат сиз каби фарзандларини, балки вилоят, туман, шаҳарлардаги олий нишон ва унвонлар билан тақдирланган эл-юртимизнинг муносиб вакилларини — уларнинг барча-барчасини, афсуски, мана шу муҳташам залга сиғдириб бўлмайди — бағримга босгандек, ҳар бирининг қўлини олиб табриклагандек бўламан ва бундан қалбим чексиз фахр-ифтихорга тўлади.

Бундай қувончли пайтларда кишининг хаёлидан беихтиёр бир фикр ўтади. Биз одатда кўпроқ мамлакатимиздаги, барча йўналишлар ва тармоқларда — бу иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаёт бўладими, илму фан, маданият соҳалари бўладими — эришган марраларимиз, қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирамиз.

Улар ҳақида жойларда ҳам, марказда ҳам, матбуот, радио-телевидениеда ҳам атрофлича ахборот берамиз, таҳлил этамиз.

Лекин, шуни афсус билан айтишимиз лозимки, ҳақиқатан ҳам, бундай буюк натижа ва ютуқларнинг чинакам ижодкори, бунёдкори бўлмиш, ўз меҳнат фаолиятида ҳақиқий қаҳрамонлик ва юксак маҳорат намуналарини намоён этиб келаётган одамларимиз, меҳнаткашларимиз ҳақида камроқ эслаймиз.

Ана шунинг учун ҳам бугунги учрашувда ва эртадан бошлаб жойларда бўлиб ўтадиган давлат мукофотларини топшириш маросимларида сизларга, сиз каби барча заҳматкаш ва фидойи меҳнатчиларимиз шаънига ҳар қанча таҳсинлар ва миннатдорлик сўзларини айтсак, барибир камлик қилади, деб ўйлайман.

Биз «Ўзбекистон замини», «Ўзбекистон халқи», «Ўзбекистон фарзанди» деган сўзларни доимо ички бир ҳаяжон ва ифтихор билан тилга оламиз, дея сўзида давом этди Президент.

Ҳеч шубҳа йўқки, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвон ҳам бизга фахру ғурур бахш этадиган ана шундай мўътабар тушунчалар қаторида туради.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида кўп йиллардан буён қаҳрамонона меҳнат қилиб келаётган инсонлар — «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси Наманган вилоят бўлимининг раҳбари Дилбархон Акрамовани, моҳир муаллим ва мураббий Марат Зокировни, тажрибали хўжалик раҳбарлари Азим Латипов ва Муродулло Саидовни, Хоразм вилояти ҳокими Ислом Бобожоновни ана шундай шарафли унвон билан чин юракдан қутлади.

(Давоми 2-бетда)

## Конституциямизнинг 10 йиллигига бағишланди

Бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган ва халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида тўла акс эттирган Бош қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳонда янги, суверен, истиқболи порлоқ давлат дунёга келганининг ўзига хос шаҳодатномаси бўлди.

Фаровон турмушимиз ривожида, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида Конституциямизнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Конституциямизни нафақат таърифлаганда, айни чоғда қоидаларини моддама-модда рўёбга чиқариш асносида уни ҳаётимиз Қомуси деб билишимиз ва беҳад қадрлашимиз бежиз эмас.

Бунинг сабаби шуки, Конституциямизда халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек орзу-ҳаваси ўзининг тўла ифодасини топган. Шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётнинг шакл-шамойили, маънавий қиёфаси шоён акс эттирилган. Унда тараққиётимиз гарови бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асослари белгилаб берилган. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бирига уйғунлаштирилган. Энг муҳими, инсон ҳуқуқи, инсон эркинлиги мустаҳкам муҳрлаб қўйилган.

Ҳа, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва барча жабҳаларда амалга оширилаётганислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишларимиз ва буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётган Конституциямиз қабул қилинганига ўн йил тўлди.

Шу муносабат билан 5 декабрь куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Конституциявий суд Раиси Б.Мустафоев Конституциямизнинг ўн йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўн йил абадият олдида қисқа фурсат эканига қарамай, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда қанчадан-қанча том маънодаги оламшумул ўзгаришлар юз берганлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон маънавий қадриятларини тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан собитлик билан одимламоқда. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Эришган ютуқларимизнинг, тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.

Юртбошимиз мустақиллик даврида турли номлар билан эълон қилинган йиллар ўртасида мантиқий асос, ўзаро узвий боғланиш мавжудлигига эътибор қаратди.

Ўтиб бораётган Қарияларни қадрлаш йили аввало Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсадга қаратилган. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури нафақат фахрийлар, мўътабар кексаларимиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдиргани шубҳасиз.

Президентимиз 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифи йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари билан маъқулланди.

Дарҳақиқат, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни юксак. Кириб келаётган йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши эса маҳалланинг ҳуқуқий асослари ҳар томонлама янада мустаҳкамланишига, ўзини ўзи бошқаришнинг бу ноёб тизими жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг том маънодаги ажралмас қисми сифатида тобора ривож топишига, бунинг учун тегишли барча моддий-молиявий шароитлар яратилишига асос бўлади.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

■ (ЎзА)

**Суратларда:** маросимдан лавҳалар.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар**

## ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар!

Қадрли юртдошлар!

Аввало, ўз номимдан барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни қутлуғ айём — ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямизнинг 10 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Конституциямизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият қуришдаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш, кўп фикр юритиш мумкин.

Бугун Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев қилган маърузада ҳам эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида Конституциямизнинг улкан ҳиссаси ҳақида мазмунли фикр ва мулоҳазалар айтилди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли мажлис иштирокчилари эътиборини кўпроқ бошқа масалага — Конституциямиз асосида қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ва шу муҳим масала атрофида тўпланиб турган муаммоларга жалб қилмоқчиман.

Шуни очиқ тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш, ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга қўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса — шу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди. Ва, бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг табиий ва ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу ўзи нима дегани, нима учун қонуний нормаларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю, ҳаётимизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқача, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта.

Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпинча мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўляпти, деган кайфиятлар ҳам учрайди.

Шундай ҳолатлар ва савдолар бошига тушганда, одамларимиз беихтиёр «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» деган мақолни изтироб чекиб эслаши ҳам ўринли, деб ўйлайман.

Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати.

Биз қонунчиликка асосланган ҳуқуқий давлат қуришга интилаётган эканмиз, бундай ҳолатлардан юз ўгирмасдан, қочмасдан, аксинча, бунга олиб келувчи сабабларнинг таг-томирига етиб бориш ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Бу барчамизнинг, аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи идора ва ташкилотлар мутасадди раҳбарларининг бурчидир.

Бу каби вазият ва ҳолатлар нафақат бизда — мустақил тараққиёт йўлига ўтган ва Конституцияси энди ўн ёшга кирган мамлакатимизда эмас, балки энг ривожланган давлатларда ҳам учраб туриши мумкин.

Лекин, ҳеч шубҳасиз, хусусан биз учун бу масала бугунги кунда буюк истиқболларимизни кўриш, халқимизнинг келажакка ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалаларнинг бирига айланмоқда.

Нега деганда, замонавий талабларга жавоб берадиган, элюртимизнинг асл ва чуқур манфаатларини инобатга олган қонунларни қабул қилиш — ўз йўли билан.

Айни пайтда бу қонунларнинг ҳаётимизда жорий бўлганини, ўз аксини топганини кўриш — бу одамларимизга мутлақо бошқача мамнуният бағишлайдиган ва уларни рози қиладиган вазият эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Энди бу муаммоларнинг ечимига келадиган бўлсак, аввало нималарга алоҳида эътиборимизни жалб қилишимиз зарур?

Кўпгина масалалар ва йўналишлар қаторида, уларнинг энг муҳимлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

**Биринчидан,** Конституциямиз ҳаётимизда ўз аксини тўлиқ топиши учун ҳали замон талаб қиладиган кўпгина янги қонунларни қабул қилишимиз шарт.

(Давоми 2-бетда)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Америка Қўшма Штатлари халқи номидан муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан бутун Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Қўшма Штатлар насроний, яҳудий, ислом ва кўпгина бошқа динлар вакиллари учун умумий уйдир. Америка халқи барча инсонларнинг ўзи истаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқини қадрлайди.

Ийд ал-Фитрнинг байрам сифатида нишонланиши барчамизга инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган эътиқод эркинлигининг муҳим ўрнини эслатади. Айниқса, бу байрам асрлар давомида бағрикенг Исломнинг бешиги ҳамда нафақат ислом илоҳиёти, балки жаҳон адабиёти ва фанининг машҳур намояндалари ватани ҳисобланмиш Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Америка халқи сизнинг тарихингизга ҳурмат билан қарайди ва сиз билан дўстликни юксак қадрлайди.

Америка халқи номидан сизларга баҳузур ва ҳаловатли йил тилайман.

Самимият билан,

**Жорж БУШ,**
**АҚШ Президенти**

## Самимий қутловлар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Аллоҳ ул зотни ўз паноҳида асрасин

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссарман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ватанингиз, ислом дини равнақи ва мусулмонлар хизмати йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайман.

Аллоҳдан халқингизга ва бутун ислом умматига бахт-саодат ва қут-барака ато этишини сўрайман. Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло муборак Рамазон ойида тутган рўзамизни ва бажарган ибодатларимизни қабул айласин.

Ушбу қутлуғ айёмда Аллоҳдан Ўзбекистон халқига тараққиёт, равнақ ва фаровонлик ҳамда бутун ислом уммати сафларини жипслаштиришда Сизга омадлар ато этишини сўрайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Абдулвоҳид БЕЛКАЗИЗ,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қутлуғ Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриклар йўллайман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Абдуллоҳ ИККИНЧИ,**
**Иордания Подшоҳи**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимизнинг самимий табрикларимиз ва энг эзгу ниятларимизни йўллашдан бағоят хурсандмиз. Сизга бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига мудом тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Қодир Аллоҳдан ислом умматига тинчлик-омонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони**

# ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз қонунларнинг матни, маъно-мазмуни ҳақида кўп бош қотирамиз, аммо уларда белгилаб қўйилган талабларни амалга ошириш учун қонунчиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу қонунни жорий қилиш учун керак бўладиган актларни қабул қилишни, бу масала бўйича жавобгарликни жойига қўйишни кўпинча унутиб қўямиз.

Шу сабабли ҳам қонунларимизнинг неччи фоизи ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда, қанчасини татбиқ этиш оғир кечмоқда, деган саволга жавоб бериш қийин.

**Иккинчидан,** жамиятимиз ҳаётида қонун устуворлигига эришиш учун ҳокимиятнинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди.

Аввало, суд ҳокимияти, суд органлари мустақил бўлиб ҳаммага ҳам бир кўз билан қараши — бу оддий фуқароми ёки мансабдор ва амалдорми — ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун устуворлигининг таъминланишига эришишимиз даркор.

**Учинчидан,** ижро ҳокимияти ва идораларининг, яъни бу ҳокимлик ёки вазирлик бўладими — умуман, мансаб курсисида ўтирганларнинг ўзига юкланган вазифани адо этишда масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозим.

Бу талаб аввало маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишлидир.

**Тўртинчидан,** нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг ва фуқаролик институтларининг роли, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат корхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Биз бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи қадамларимизни қўймоқдамиз.

**Бешинчидан,** жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор.

Мен бу масалани биринчи даражали масалага айлантириш керак, деб ўйлайман.

Ҳар қайси инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиши лозим. Ҳар қандай одам учун имон-эътиқод деган сўзлар шунчаки, ҳавойи сўзлар эмас, аксинча, уни доимо қийнайдиган, виждонини уйғотадиган чуқур тушунчалар бўлса, бундай фуқаро атрофдаги одамлар, маҳалла-кўй, эл-юрт ташвиши билан яшаши шарт.

Барчамиз лоқайдлик ва бепарволикдан, сен менга тегма — мен сенга тегмайман, деган заифлик асоратидан бутунлай жудо бўлишимиз зарур.

Жамиятимизда шундай инсонлар қанча кўпайса, аввало, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизда бундай кайфият нақадар кучайса, бундай қарашлар уларни ҳаёт тарзининг узвий қисмига айланган ҳолда биз олдимизга қўйган мақсадларга тезроқ етиб борамиз.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони — бундай фикрловчи ва ҳаёт кечирувчи одамларимиз, ёшларимиз жамиятимизда ўз ўрнини тезроқ топса, ҳеч шубҳасиз, ҳокимият амалдорлари орасида Конституция ва қонунларимизни писанд қилмайдиган, ўз манфаатини, ўз бойлигини давлат ва эл-юрт манфаатидан юқори қўяётган чаласавод кимсаларга шунча ўрин қолмайди.

Ўз-ўзидан аёнки, биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шартдир.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммангизга маълумки, биз бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу залда 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилган эдик.

Бизнинг бу йилга шундай ном беришдан асосий мақсадимиз — халқимизнинг азалий удумларига риоя қилиб, эл-юртимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган ўзига хос сиёсатимизни изчил давом эттириш, уни янада кўпроқ амалий ишлар билан мустаҳкамлашдан иборат эканини, ўйлайманки, жамоатчилигимиз яхши билади.

Содда қилиб айтганда, биз олиб бораётган давлат сиёсати, биз қураётган давлат тизими, барпо этаётган янги жамият, ҳаётимизда қарор топаётган эзгу қадриятлар замирида, аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсад мужассам.

Шу маънода, кейинги йилларда эълон қилинган Инсон манфаатлари ёки Оила йилини оласизми, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йили ёки мана шу Қарияларни қадрлаш йилини оласизми — буларнинг барчаси бир-бири билан мантиқий асосда, ўзаро узвий боғланганини кўрамиз.

Давлат ва жамият эътиборини ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим йўналишларига қаратиб, одамларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган дастурларни бажариш учун керакли имконият ва маблағ топиб қилган ишларимизнинг амалий таъсири ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бугун самара бераётганига ҳаммамиз — оддий фуқародан тортиб юқори мансаб лавозимларида ўтирган инсонларгача гувоҳ бўлмоқдамиз.

Агар биз ўтиб бораётган 2002 йилга худди шу кўз билан қараб, унинг амалий натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилган дастуримиз нафақат муҳтарам фахрийларимиз, кексайиб қолган ота-оналаримиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдирганига ишонч ҳосил қиламиз.

Мен бугун бу тўғрида батафсил ҳисобот беришни мақсад қилиб қўйганим йўқ. Чунки, дастур ижроси юзасидан мутасадди ташкилотлар вакиллари матбуот, радио-телевидение орқали, маҳалла ва фуқаролар йиғинларида ўз ҳисоботини беради, албатта.

Мен фақат бу борадаги айрим мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Қарияларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, аввало, жорий йилда пенсия ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблашга адолатли қараб, пенсия миқдорининг 1,3 марта кўпайтирилгани, кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишларнинг кўлами нечоғли катта бўлганини кўрсатиб турибди.

Ёки қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилганини ҳам эсламасдан ўтолмаймиз.

Шу ўринда икки миллионга яқин қария диспансер назорати ва тиббий кўрикдан ўтказилгани, 30 мингдан зиёд отахон ва онахонларимиз санаторийларда ва тиббиёт масканларида бепул даволанганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, «Ортопедик реабилитация» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг барча вилоятларда филиаллари ташкил этилиб, ёрдамга муҳтож ва ногирон кексаларни махсус аравачалар, эшитиш мосламалари ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилаётганини ҳам тилга олиш мумкин.

Ёки бўлмаса, шу йил Қорақалпоғистон Республикасида «Тахиатош» санаторий-профилакторийси, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган «Косонсой» сиҳатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «Саховат уйи» барпо этилганини айтиш ўринлидир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам албатта амалга оширилган ишлар салмоғидан далолат беради.

Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг уйлари давлат ҳисобидан таъмирлаб берилгани, 11 минг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастурида кўзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилаётгани, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатаётгани, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 минг 700 кексани ўз оталиғига олиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келаётгани айниқса эътиборлидир.

Албатта, масаланинг маънавий томони, яъни оилада, маҳаллада, жамоат жойларида, тўй ва маъракаларда кексаларимизга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортгани, улар доимо кўпчиликнинг эъзозида бўлиб келаётгани ҳақида ортиқча тўхталишга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мана шу эзгу ишларга ҳисса қўшган саховатли инсонларга, турли хайрия ташкилотлари вакилларига ўз миннатдорлигимизни изҳор этиб, илоҳим, қилган хайрли ишларингизнинг савобини ўзингиз ҳам кўринг, бошингиз омон бўлсин, ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилак билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч ким бунга мажбур қилгани йўқ. Жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган мана шундай ижобий ўзгаришлар, одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат, шафқат туйғулари тобора мустаҳкамланиб бораётгани шахсан мени беҳад қувонтиради.

Албатта, мўътабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янгича шаклда изчил давом эттирилади.

Чунки бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта ҳисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамиша қарздормиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳурматли дўстлар!

Барча қувонч ва ташвишлар, муаммоларга қарамасдан, ҳаёт давом этаверади.

Мана, ҳадемай, Янги йил ҳам кириб келади. Янги йилимиз ҳам файзли, баракали бўлади, Яратганимиз бу йилда ҳам биздан меҳрини, марҳаматини аямайди, хонадонларимизга тинчлик-осойишталик, бахту саодат ато этади, деб ишонамиз.

Илгари ҳам кўп бор айтган гапимни яна такрорламоқчиман: биз пок ва холис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрасак, ишончим комилки, биздан меҳр-мурувватини ҳеч қачон дариғ тутмайди.

Янги йилга ана шундай орзулар билан қараётган халқимизнинг фикрини, кайфиятини инобатга олиб, бу йилимизнинг ҳам ҳар томонлама хосиятли, файзу баракали бўлишини ният қилар эканмиз, менинг бир таклифим бор: кириб келаётган 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилсак.

Қадрли ватандошлар!

Бу масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, янги йилга бундай ном беришимизнинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Аввало, шуни айтиш керакки, «обод» деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор.

Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намоён этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин — бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими — буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўламиз.

Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз кераккки, бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизимига, унинг фаоллари ва ташкилотчиларига боғлиқ эмас.

Бунинг учун аввало давлат кўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз керак.

Шу маънода, маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, бу масалалар ечилмас экан, маҳалладан кўп нарсани талаб қилиш ўринсиз бўлади.

Шуни очиқ айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам бугун биз маҳалла зиммасига кўп вазифаларни юклаяпмиз.

Шунинг учун ҳам бугун қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масъул эканини қонуний нуқтаи назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман.

Обод маҳалла йили бўйича ҳам махсус давлат дастурини қабул қилиб, уни амалга ошириш юзасидан ҳукуматимизга тегишли топшириқлар берилади, албатта.

Маҳалла ҳақида сўз юритганда, яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.

Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафкуравий онги, тафаккури билан боғлиқдир.

Шу жумладан, бир жойда яшаётган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари дейсизми, қўни-қўшничилик дейсизми, қуда-андачилик дейсизми — буларнинг барчаси ғоят ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йўл билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди. Ва бунга интилиш ҳам калтабинлик, деб ҳисоблайман.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам Шарқ оламида, ислом фалсафасида одамларнинг маҳалла, яъни жамоа бўлиб яшашида, жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлашда меҳр-оқибатлик, шафқат ва мурувват нақадар катта ўрин тутганини англаш мумкин.

Шу сабабли, маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга кўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Азиз юртдошлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга хос бўлган, ҳаётимизда катта ўрин тутадиган ва унга таъсир ўтказадиган қадриятлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Қадрият деганда, биз минг йиллар давомида шаклланган, одамларнинг ҳаёти, ички дунёсидан мустаҳкам ўрин олган, ҳеч қайси расмий ҳужжатда акс этмаган бўлса-да, унга барча амал қиладиган, инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган анъана ва удумларни тушунамиз.

Лўнда қилиб айтганда, одамзод бор экан, миллат бор экан, шу миллатни ифода қиладиган, асрлар мобайнида қандайдир муқаддас даражага кўтарилиб қолган аломат-хусусиятлар ҳам у билан бирга яшайди.

Табиийки, ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, ғуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларни сақлаш, асраб-авайлаш ва энг катта бойлик тариқасида янги келажак авлодларга етказиш зарур. Бу масала бўйича ҳеч кимда, ҳеч қандай иккиланиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги йилларда қадриятларни тиклаш ва улуғлаш, буюк авлиё ва мутафаккирларимизнинг хоки ётган қадамжоларни обод қилиш, аждодларимиз меросини ўрганиш борасида кўп-кўп ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Чунки, бусиз биз буюк келажагимизни тасаввур этолмаймиз: миллатимизнинг томири, тарихи қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади, деб тушунамиз.

Аммо ҳаётда шундай одат ва эскидан қолган удумлар борки, уларни миллатимиз ва халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар қаторига киритиш қийин.

Гап нима тўғрисида кетяпти?

Гап аввало миллий қадриятларимизни сохталаштиришга олиб келаётган, урф-одатларимиз ниқоби остида тўй-ҳашам ва маърака- маросимларимизни катта дабдабаларга, базми жамшидларга айлантириб, ҳаётимизга кучайиб кириб бораётган ўта хунук ҳаракатлар ҳақида кетяпти.

Бунинг негизида баъзи бир одамларимизга мансуб бўлган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш, очиқ айтиш керак, аввало бели оғримасдан, нопок йўллар билан топган пули ва бойлигини терисига сиғдира олмаслик каби иллатлар ва эски асоратлар борлигини кўриш мумкин.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун бу тўғрида гапирмасдан бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай дабдабаларни ташкил қилишга бош-қош бўладиган, янги-янги маросимларни ўйлаб чиқарадиган ва шунинг ҳисобидан ўзининг манфаатини, керак бўлса, қандайдир сохта обрў топадиган, шу ишни ота касби қилиб олган маълум бир кимсалар борлигини ҳам очиқ айтишимиз зарур.

Албатта, бу ҳақда биринчи марта сўз юритаётганимиз йўқ. Бу хусусда жамоатчилигимиз, матбуот, радио ва телевидение, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, жойлардаги кўпни кўрган оқсоқолларимиз куюниб гапиради.

Одам шундан ҳайратда қоладики, бундай ҳеч ақлга сиғмайдиган ортиқча маросимлар ҳар бир оила, ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини ҳамма билади.

Чунки бундан асосан кўп болали оилалар азият чекади, қийналади, шунинг оқибатида қарздор ҳам бўлиб қолиб, қарзини узиш учун бошини кўтармасдан меҳнат қилади.

Менинг бир эски танишим бор. Баъзан кўришиб, телефонлашиб турамиз. Шу бечора тўрт-бешта боласининг тўй ташвишларидан қутулмай туриб, ҳали нафасини ростлаб олишга улгурмасидан, яна тўйга навбат келиб қолибди. Нима эмиш, энди невараларга бешик тўйи қилиб бериши керак эмиш.

Бу ҳақда одамлар билан суҳбатлашсангиз, улар, энди, ўзбекчилик, ор-номус, деган гаплар бор, дейди. Бошқача айтганда, шавла кетса, кетсин, обрў кетмасин, деб иш тутади.

Бизнинг халқимизда «кўпчилик қаторида» деган бир гап бор.

«Кўпчилик қаторида» деган иборани биз, аввало, атрофдаги жамоа, маҳалла-кўй билан бирга ҳамоҳанг бўлиб яшаш, уларнинг қаторидан чиқмаслик ва кўпгина ҳолатларда ор-номус деган тушунча билан чамбарчас боғланиб кетган қарашлар, деб қабул қилишимиз тўғри бўлади.

Ўйлайманки, бу жуда олижаноб тушунча.

Нега деганда, асрлар давомида шаклланган мана шундай қарашлар бошига мусибат, ҳаёт синовлари тушган одамларни ёлғиз қолдирмасликни, уларнинг дардига ҳамдард бўлиш, ғам-ташвишларини баҳам кўриш, ёвуз кучларга, бало-қазоларга қарши бир ёқадан бош чиқариб курашишни англатади.

Шу маънода, бу тушунчани ёшларимизга, униб-ўсиб келаётган болаларимизнинг қалби ва онгига сингдириш, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини ифода этадиган ҳаракатга айлантириш эл-юртимизга фақатгина куч-қувват бағишлайди.

Лекин, бундай олижаноб тушунчани аксига айлантириб, **ҳар қандай соғлом фикрга зид бўлган сохта урф-одатларга берилиб,** ўзининг табиати ва салоҳиятига, даромадига тўғри келмайдиган, балки унга катта зарар етказадиган тўй ва маросимларни ўтказадиган одамларни тушуниш қийин.

Очиқ айтишим керак, биз дўппимизни олиб қўйиб, чуқур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий қадриятларимизнинг мағзини чақсак, бу ортиқча дахмазалар **одамларимиз елкасига машаққатли бир юк, аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади.**

Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлур эди.

Диний маросим ва маъракалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, мен бу тўғрида узил-кесил бир хулоса билдириш фикридан узоқман.

Бу хусусда аввало имом-хатиблар, уламоларимиз, диний идора ўз фикрини билдириши, кенг тарғибот ишларини олиб бориши керак.

Албатта, улар бу борада анча-мунча ҳаракат қиляпти, аммо бу ишларни янада кучайтириш лозим.

Мен фақат маъракани дабдабали тўйга айлантириш ҳеч қайси муқаддас китобда ёзилмагани ва бизнинг ислом динимиз арконларига мутлақо зид эканини эслатиб ўтмоқчиман, холос.

Азиз дўстлар, ёдингизда бўлса, биз бундан уч-тўрт йил аввал бу борада махсус бир қарор ҳам қабул қилган эдик.

Унда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўйиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатларга йўл қўйилаётгани айтилган, бу масала бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳам белгиланган эди.

Бу қарор эълон қилингач, жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари бироз тартибга тушгандек бўлди. Бироқ, афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди.

Менинг таклифим шуки, бу масалани авваламбор маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари турар-жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини бериши лозим.

Биз ана шу таклиф ва тавсияларга таянган ҳолда, керак бўлса, янги қарор қабул қилишимиз, унда бу масала бўйича кўпроқ амалий ва таъсирчан чораларни кўриш ва бундай тадбирларни жамоатчилигимиз кучига суяниб, қандайдир чегарага солиш мақсадида иш олиб борсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Мен ишонаман — халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота-оналар, опа-сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчиликнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

Ҳурматли дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни Конституциямизнинг 10 йиллиги байрами билан яна бир бор қутлайман.

Шу билан бирга, сизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни бутун дунё мўмин-мусулмонлари қаторида бизнинг халқимиз ҳам катта қувонч билан кутиб олаётган табаррук Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака тилайман.

# ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Айниқса, қаҳрамонларимиз қаторида ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳаққоний сўзи, ирода ва матонати билан юртдошларимизга, авваламбор ёшларимизга ибрат бўлаётган, том маънодаги маърифатпарвар инсон Озод Шарафиддиновнинг борлиги бениҳоя қувончлидир.

Халқимизда муборак айёмлар арафасида ўтганларни ёд этишдек яхши бир одат бор. Бир неча йилдирки, биз ана шу ибратли удумга амал қилиб, илму фан ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, аммо бугунги ёруғ кунларни кўриш насиб этмаган марҳум ватандошларимиз номини хотирлаб, ҳурмат бажо этиб келмоқдамиз.

Бу йил ҳам Президентимиз Фармонига биноан ўн уч нафар ана шундай улуғ инсон давлатимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Биз машҳур аллома, академик Ҳабиб Абдуллаевнинг илмий жасоратини, Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Убай Орипов, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Содиқ Азимов, Яҳё Ғуломов, Саъди Сирожиддинов, Ҳамид Сулаймон каби ҳар бири ўз соҳасида илмий мактаб яратган истеъдод соҳибларининг Ватанимиз, халқимиз олдидаги хизматларини ҳеч қачон унутмаймиз, деди Юртбошимиз.

Саҳна санъатимизнинг ёрқин намояндаси Олим Хўжаев, миллий мусиқамиз ривожига улкан ҳисса қўшган мумтоз бастакор Тўхтасин Жалилов, бутун умрини қорақалпоқ диёрини тараннум этишга, ноёб ва бетакрор санъат асарларини тўплашга бағишлаган Игорь Савицкий номларини ҳам эҳтиром билан ёд этамиз.

Бугун бизнинг миллатимиз тарихида ёрқин из қолдирган мана шу инсонлар хотирасини эъзозлаётганимиз, эзгу ва савобли ишлар ҳеч қачон унутилмайди, яхшилик завол билмайди, деган ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Биз бугунги тинч ҳаётимиз, осойишта кунларимиз посбони бўлган, Қуролли Кучларимиз сафида, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик идораларида ўз бурчини шараф билан адо этаётган жасур аскар ва офицерларимиз, барча ҳарбий хизматчиларимиз ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди, деди Юртбошимиз. Бу мард ўғлонларимизнинг жасорати ва жанговар маҳоратини юксак қадрлаймиз.

Бугун Ўзбекистонимиз ўзининг ички ва ташқи сиёсати, улкан салоҳияти билан халқаро майдонда тобора обрў қозониб бораётган экан, бунда барча ватандошларимизнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Лекин мамлакатимизнинг шуҳратини бутун дунёга намоён этишда, айниқса, спортчиларимиз, мана шу залда ўтирган ёрқин спорт юлдузлари алоҳида катта ҳисса қўшаётгани аён ҳақиқатдир.

Давлатимиз раҳбари барча мукофотланганларни яна бир бор самимий табриклаб, уларга Ватанимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

Бугун биз том маънодаги тарихий даврни бошимиздан кечиряпмиз. Эҳтимол, ўзимиз яшаб турган шу даврнинг барча қирраларини англаш, унга баҳо бериш қийиндир.

Лекин йиллар ўтади, асрлар ўтади, деб алоҳида таъкидлади Президент, ишончим комилки, оғир ва мураккаб замонларда элимизга тоғдек таянч бўлиб, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг юкини елкасида кўтариб, бахтли ва фаровон ҳаёт пойдеворини қурган инсонларни келажак авлодларимиз миннатдорлик билан ёд этиши муқаррар.

Ислом Каримов сўзининг ниҳоясида барча мукофотланган юртдошларимизга қарата: кўксингизга ярашиб турган мана шу орден ва унвонлар ҳаммангизга буюрсин, янги ва юксак марралар сари илҳомлантирсин, издошларингиз янада кўпайсин, бошингиз доим омон бўлсин, деди. Уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларига омад, хонадонларига файзу барака тилади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси Наманган вилоят бўлимининг раҳбари Дилбархон Акрамова, марҳум Ҳамид Сулаймоннинг ўғли Рустам Сулаймонов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Воҳидов номидаги хирургия илмий маркази бўлими раҳбари Юрий Калиш, «Феруз-Хоразм» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Клара Жумамуратова, Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги И.Диёров номидаги ширкат хўжалиги раиси Султон Сатторов, адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов, актриса Людмила Стоцкая, андижонлик журналист Мукаррамхон Холматова Президентимизга ўзларига билдирилган эзгу тилаклар ва юксак ишонч учун миннатдорлик изҳор қилиб, Ватанимизнинг олий нишонлари уларни янада самарали меҳнат қилишга, юрт равнақи учун бор куч-ғайратларини сарфлашга ундашини таъкидладилар.

■ (ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

**«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек, истеъмолчиларни истеъмол товарлари тўғрисидаги ишончли ахборот билан давлат тилида таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Белгилансинки:

2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эркин муомалага чиқариладиган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини мажбурий маркалаш жорий этилади;

мажбурий маркаланиши керак бўлган ва 2002 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган истеъмол товарлари чакана савдо шаҳобчаларида 2003 йил 1 апрелгача давлат тилида маркаланмасдан сотилиши мумкин.

2. Қуйидагилар:

Импорт қилинадиган истеъмол товарларини маркалаш тартиби тўғрисидаги низом;

тижорат мақсадларида Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этилиши талаб этиладиган истеъмол товарларининг қўшимча рўйхати тасдиқлансин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқувчи талабларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда) ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 декабрь

# ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Азиз ватандошлар, барчаларингизни Рамазон ҳайити муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман.

Аллоҳнинг инояти ва истиқлол шарофати ила барчамиз бир-биримизни мана шундай улуғ айём билан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз.

Яратганга беадад шукрки, бугун халқимиз ҳурриятнинг мусаффо ҳавосидан нафас олмоқда. Парвардигори олам мустақиллигимизни бардавом айласин!

Рамазон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Бу улуғ байрамда барча имон-эътиқодли мусулмон биродарларимизнинг қалблари равшан, диллари хушнуд бўлиб, тутган рўзаларининг ажру савобидан умидвордирлар.

Рамазон ҳайити Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 10 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Унда дин ва виждон эркинлигига алоҳида эътибор қаратилган. Асосий қонунимиз барча фуқароларни миллати, ирқи ва динидан қатъи назар тенг ҳуқуқли деб билади, уларнинг урф-одатлари, миллий анъаналарини ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Рамазон ҳайити кунида барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, табаррук кексаларимизга имон, ёшларга узоқ умр, тавфиқ, рушду ҳидоят тилашади. Қариндош-уруғлар, ёру биродарларни зиёрат қиладилар, яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бундай хайрли ишлар азалий қадриятларимиздандир. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро узр сўрашиб, бир-бирларига қучоқ очадилар. Кечиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Аллоҳ таоло Қуръони Карим «Оли Имрон» сурасининг 134-оятида шундай марҳамат қилади: «(Тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ эзгулик қилгувчиларни севар».

Мўмин-мусулмонлар фақатгина ҳайит кунларида эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўладиган муомала-ю муносабатларни яхши қилмоқликлари лозим. Аллоҳнинг берган неъматларидан хайр эҳсон этиш, саховатпеша кишиларимиз муҳтож одамларга, мискину фақирларга ёрдам қўлларини чўзмоқликлари даркордир. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак.

Ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга чақириши билан бирга, уларни дини ва миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Бу жамиятнинг бирлигига, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашга муҳим омил бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Эй инсонлар, дарҳақиқат биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар, дўст-биродар бўлинглар деб сизларни турли-турли халқлар, қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлигингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва огоҳдир». (Ҳужурот, 13).

Парвардигор инсонларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун лозим бўлган ризқни яратганки, унинг бу неъматларини ҳеч қачон ҳисобига етолмаймиз. Балки шукрона этсак, берилган неъматлар янада зиёда бўлади, иншооллоҳ.

Мамлакатимизда мусулмонларнинг диний маросимларини камоли ҳуррият билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Жорий йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши эса фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида мамлакатимиз Раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар изчил эканлигини намойиш этмоқда. Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор» дейди. Ҳақиқатан ҳам қаерда кексалар бўлса, шу жойда файз, барака бўлади. Қарияларнинг дуосини олиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Улуғ айём билан муҳтарам Президентимизни, республикамизда қарилик гаштини сураётган табаррук ёшдаги нуроний отахон ва мунис онахонларимизни, барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этиб, Ватанимизнинг истиқболи порлоқ, диёримиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий**
**Абдурашид қори БАҲРОМОВ**

8 декабрь

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини
8 декабрь —
**КОНСТИТУЦИЯ куни**
билан муборакбод этади

*Ушбу улуғ айём арафасида барчага оилавий бахт, соғлик-саломатлик, истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида куч-қувват тилайди.*

*Ўзбекистон асрлар оша мустақил ва бой давлат бўлиб яшнайверсин.*



## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ X СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА МУЛОҲАЗАЛАР

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг (конституциявий) қонунлари лойиҳалари, шубҳасиз, мамлакатимизда икки палатали парламент фаолиятининг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб беради. Сиёсий ҳаётимиз учун янгилик бўлиб кирадиган икки палатали парламентнинг самарали фаолият кўрсатиши эса бевосита қабул қилинаётган палаталар тўғрисидаги қонунларнинг мукаммал ишлаб чиқилишига боғлиқ.**

Қонунлар лойиҳасидаги бир қатор меъёрлар бизнинг хайрихоҳлигимиз билан бирга эътирозларимизга ҳам сабаб бўлди. Бу хусусда дастлабки мулоҳазаларимиз халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат масалаларига тааллуқлидир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор ваколатларини Сенат зиммасига ўтказишга бўлган интилиш сезилиб туради.

Қонун лойиҳасининг 9-модда, 8-бандида Сенатнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этиш» ваколати зикр қилинган. Президентлик бошқарувидаги давлатларда **чет давлатларнинг дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш, уларни лавозимидан озод этиш ваколати** давлат томонидан халқаро муносабатларда иш кўрувчи, музокаралар олиб борувчи ва халқаро шартномаларни имзоловчи, шунингдек, халқаро мажбуриятларга риоя этилишини кафолатловчи Президентнинг мутлақ ваколати ҳисобланади. Шунинг учун, илғор давлатларда (АҚШ, Франция) бўлгани каби чет давлатларнинг дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш, уларни лавозимидан озод этишни Президентнинг ваколати доирасида қолдириш, унинг лавозимга тайинлаш ва озод этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлашни эса Сенат ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқроқ бўларди. Чунки анъанавий дипломатик муносабатлар қоидасига кўра, масалан, элчилар давлат раҳбарининг шахсий кафолати сифатида бевосита вакил этиб тайинланган. Чунончи, мазкур фаолиятнинг жавоб ҳаракати бўлган аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ва бошқа вакилларининг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилиш ҳам Президентнинг мутлақ ваколати доирасидадир.

Ташқи сиёсатнинг яна бир масаласи, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш Сенатнинг Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги тасарруфига тааллуқли ваколатлари сирасига киритилган (8-модда, 20-банд). Фикримизча, ҳарбий-сиёсий характердаги шартномаларни ратификация ва денонсация қилишни Сенат ихтиёрида, ижтимоий-иқтисодий табиат касб этган шартномаларни Қонунчилик палатаси ихтиёрида қолдириш билан биз палаталарнинг ваколатларини янада аниқлаштириб берсак, шартномаларнинг амал қилиш жараёнини тезлатиш учун яхшигина замин ҳозирлашимиз мумкин.

**Сенат раисининг ваколатларига тўхталсак** (14-модда), унинг ваколатларини янада кенгайтириш билан нуфузини ҳам оширишни таклиф қилган бўлардик. Масалан, унга қонун лойиҳаси муҳокамасини «кечиктириш» ҳуқуқини бериш орқали унинг ижтимоий таъсирини ошириш мумкин.

Лойиҳанинг 2-моддаси Сенатда сиёсий асосда гуруҳлар тузилишини тақиқлайди. Бу билан партиявийлик ва демократиянинг асосий тамойили бўлган фикрлар хилма-хиллигига путур етиб қолмасмикин? Умуман, Сенат ҳамиша ҳудудий вакиллик сифатида талқин этилади. Бироқ, бу билан ундаги партиявийлик аломатлари инкор этилмаслиги кераккy. Айнан, Сенатда ҳам партиявийлик элементларини кучайтириш мақсадга мувофиқ эмасми? Чунки, худди шу йўл билан партияларнинг вилоят ва туманлардаги фаоллигини ошириш, уларнинг «халқ ичига юриши»ни таъминлаш мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасига келсак, палата Спикерига ҳам Сенат раиси каби «пайсалга солиш» механизмини тортиқ этиш билан унинг ваколатини кенгайтиришни таклиф қилган бўлардим.

Шахсан мени ўйлантирган техник муаммолардан бири, Қонунчилик палатаси фаолиятининг ташкилий шакли ҳисобланган палата сессиялари ва сессиянинг мажлислари тақвимидир (10-модда). Унга кўра, сессиялар йилига бир марта, **қоида тариқасида,** сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб, июннинг охирги иш кунига қадар ўтказилади. Афтидан, биринчи сессия бундан мустасно. Унинг биринчи мажлиси сайловдан сўнг икки ойдан кечиктирмай чақирилиши лозим. Чунки, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 3-моддасига асосан Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловлар декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. У ҳолда, палатанинг биринчи мажлиси ками билан февраль ойида чақирилиши лозим. Бу эса биринчи сессия мажлислари билан навбатдаги сессиялар ўртасида диспрапорционал вақт масофаси келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Сессияларнинг сентябрь ойида бошланиши яна бир ноқулайликни келтириб чиқаради. Яъни палата ўз ваколатининг охирги йилида кейинги чақириқ Олий Мажлисга сайловлар декабрда бўлиши муносабати билан, ўз сессияларини охиригача (келаси йилнинг июнигача) давом эттира олмайди ва бор-йўғи 4-5 ойлик сессиядан сўнг ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Умуман, палата сессиялари йилнинг деярли охирги чорагидан бошланиши сабаби биз учун қоронғу бўлиб қолмоқда.

Ҳар икки қонун лойиҳасига назар ташлар эканмиз, биринчи навбатда пайдо бўлаётган таассурот шундан иборатки, ҳар икки палатанинг мутлақ ваколатлари анча чеклангандек. Аксинча, палаталарнинг умумий ваколатлари ғоят кенг.

Палаталарнинг биргаликдаги тасарруфига тааллуқли ваколатларни қисқартириш ва шу билан айтайлик Қонунчилик палатасининг ваколатларини янада кенгайтириш профессионал палатани шакллантиришнинг муҳим омили бўлиши мумкин.

Масалан, бож, валюта, кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш ваколатларининг қуйи палатага топширилиши ҳеч қандай монеъликни келтириб чиқармайди, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳар икки палатанинг тарқатиб юборилиши бир хил асос ва бир хил тартибда амалга ошиши лойиҳада етарлича ифода этилган.

Фавқулодда ҳолат жорий этилганда эса ҳар икки палата тарқатиб юборилишига йўл қўйилмайди (34 ва 29-моддалар). Шу билан бирга, икки палатали парламент эндигина оёққа тураётганини ҳисобга олиб, унинг президент ҳокимияти таъсирига нисбатан «иммунитети»ни ошириш мақсадида қуйидагиларни таклиф қилган бўлардик:

— янги сайланган парламентнинг ҳар икки палатаси ўз мандатини биринчи йил давомида тарқатиб юборилишига йўл қўйилмаса (чунки, дастлабки биринчи йилликда палаталарнинг ишчи механизмлари шаклланади, депутат ва сенаторлар орасида умумкайфият қарор топади);

— палаталарнинг айни бир вақтда, тенг тарқатиб юборилишига йўл қўйилмаса. Акс ҳолда, ҳокимиятлар орасидаги мувозанатга путур етиб қолиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар икки қонун лойиҳаси сиёсий ҳаётимиз учун катта янгилик сифатида кириб келмоқда. Ҳар қандай янгилик эса, фикрлар хилма-хиллиги қуршовида ҳамиша баҳс ва мунозараларга сабаб бўлади.

■ **Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
**ҳуқуқшунослик магистри, ЖИДУ ўқитувчиси**

# СЕНАТ — ҲУДУДИЙ ВАКИЛЛИК ПАЛАТАСИДИР

Шу кунларда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги ўнинчи сессиясига тайёргарлик кетаяпти. Сессия кун тартибидан Ватанимиз тараққиёти учун долзарб бўлган масалалар ўрин олган. Олий Мажлиснинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси аъзоси, ЎзХДП фракцияси депутати Фармон ОМОНОВ билан суҳбатимиз ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири ҳақида бўлди.



**— Фармон Омонович, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлиб тарихга кирадиган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар муҳокамасига қўйилган. Айтинг-чи, бу қонун лойиҳаси жамиятимизда олиб борилаётган демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга қай даражада ҳисса қўша олади?**

— Энг аввало, ушбу қонун лойиҳасининг мамлакатимиз парламенти кун тартибига қўйилиши халқимиз хоҳиш-иродаси эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Зеро, шу йилнинг 27 январида ўтказилган умумхалқ референдумида мамлакатимиз фуқароларининг аксарияти парламентимизнинг икки палатадан иборат бўлишини ёқлаб овоз бердилар. Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда икки палатали парламентнинг ўзига хос ўрни борлигини жаҳон тажрибаси ҳам исботлаб турибди.

Ушбу қонун лойиҳасида Сенатни ташкил этиш қандай тартибда бўлиши ҳам ўз аксини топади. Сенат (юқори палата) энг аввало ҳудудий вакиллик палатасидир. Демак, улар биринчи навбатда ҳудудлар манфаатини ифодалайди. Сенат аъзолари, яъни сенаторлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзолари эса алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Президент томонидан тайинланиши кўзда тутилмоқда.

**— Қонун лойиҳасида миллий қадриятларимизга хос давлатчилигимиз тарихи ҳам ўз ўрнини топганми?**

— Лойиҳада, сенатнинг ваколат муддати, ваколатлари, фаолиятининг ташкилий шакллари, сенат раиси, унинг ўринбосарлари, кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ваколатлари, қонунларни кўриб чиқиш тартиблари, молиялаштириш каби масалалар ўз аксини топган. Қонун лойиҳаси жами 33 моддадан иборат бўлиб, унда халқимизнинг давлатчилик тарихи тажрибалари, илғор демократик давлатлар қонунчилигидаги ютуқлар ҳам ҳисобга олинган. Умуман қонун лойиҳаси анча мукаммал ишланган дейиш мумкин.

**— Лойиҳага қандай ўзгартириш ёки тузатишлар киритиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Лойиҳага айрим ўзгартиришлар киритилса ушбу Қонуннинг салоҳияти янада кучаяди, деган фикрдаман. Масалан, 6-моддада «Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин», дейилган. Маълумки, сенаторлар зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Улар мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутишлари мўлжалланмоқда. **Шунинг учун уларнинг ёши камида 30 да бўлишлари мақсадга мувофиқдир.** 10-модда эса «Сенат мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади», деб кўрсатилган. Фикримизча, ушбу моддага уч марта сўзи ўрнига **икки марта** деб кўрсатилса, яхши бўларди. Зеро, ушбу моддадаги Сенатнинг ўз мажлисларини заруратга қараб ўтказилишининг белгилаб қўйилганлиги етарли қоидадир.

Лойиҳанинг учинчи бўлими Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари, Сенат кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари деб номланган. Уни Сенат раиси ва унинг ўринбосарлари, Сенат кенгаши, **«комиссиялари» ва «махсус гуруҳлари»** деб ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг 9, 17, 18, 19, 20, 21-моддаларидаги қўмита сўзларини комиссияга, 22-моддадаги «комиссия» сўзини **«махсус гуруҳлар»** сўзлари билан алмаштириш лозим, деб ўйлайман. Ушбу сўз атамалари жаҳоннинг илғор мамлакатлари қонунчилигида кенг қўлланмоқда. Бундан ташқари «комиссия» ва «махсус гуруҳлар» халқимиз менталитетини кўпроқ акс эттиради, деган фикрдамиз.

Қонун лойиҳаси бўйича ҳали жуда кўп фикр-мулоҳазалар бўлади, албатта. Ҳар бир билдирилган фикр-мулоҳаза эса бўлажак қонунимизнинг мукаммаллигини ва ҳаётийлигини таъминлаши шубҳасиз.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**





ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

# БАНККА ҲАМ, МИЖОЗГА ҲАМ, БАРАКА КЕРАК

**Банклар — иқтисодий ислоҳотда ҳал қилувчи кучга эга. Шу маънода республика Давлат-тижорат Халқ банки ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган туб ўзгаришларга муносиб улуш қўшмоқда. Жумладан, унинг Наманган вилояти бошқармасида амалга оширилаётган ижобий ишлар тўғрисида бошқарма бошлиғи Собиржон ДАДАМИРЗАЕВ бундай дейди:**

— Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлашга ҳаракат қилаётган банкимиз ўз ривожланиш стратегиясини универсиаллашув йўналишида амалга оширмоқда. Айниқса, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга қўйиш ва жисмоний ҳамда юридик шахсларга кенг кўламли хизматлар кўрсатиш йўлида ишлаб чиқилган тадбирлар банк барқарорлиги ва ишончини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Депозитларнинг қизиқарли турларини таклиф этиш орқали аҳоли ва корхоналар маблағларини омонатларга жалб этиш ҳамда уларнинг вақтида қайтарилишини таъминлаш билан бирга нақд пулсиз турли ҳисоб-китоблар ҳам такомиллаштирилмоқда. Масалан, қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сақлаш ва ҳисобга олиш ҳамда иккиламчи бозорда сотиш йўли билан фонд бозорида операциялар олиб бориш кенг йўлга қўйилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларга кредитлар бериш, омонатчиларнинг пулларини ва банк томонидан жалб қилинган маблағларнинг сақланишини таъминлаш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш кундалик иш фаолиятимизнинг асосий мезонларидан бирига айланган. Жисмоний ва юридик шахсларга ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш, тўловларни учинчи шахслар фойдасига амалга ошириш диққатимиз марказида турибди.

**— Банк тизими фаолияти кўрсаткичлари устидан мониторинг ўрнатиш тўғрисидаги ҳукумат қарорининг бажарилиши борасида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Бошқармамизда боя айтганимдек, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларнинг янги жозибали турларига жалб қилиш, уларнинг манфаатдорлигини кучайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида кундалик мониторинг ўрнатилган. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида омонат қолдиқлари 677,1 миллион сўмга кўпайиб, у — 1833,5 миллион сўмга етказилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан омонатлар 528,7 миллион сўмга, (жами омонат қолдиқлари 1033,4 миллион) сўмга ошганлигини кўрсатиб турибди. Бошқача айтганда аҳоли учун манфаатли ўн беш турдаги қисқа муддатли (пул ютуқли) омонат турлари ҳамда ютуқли-депозит сертификатлари жорий қилинди. Шу йилнинг май ойидан бошлаб йиллик 50 фоиз даромад тўлаш шарти билан «Саховат» ва «Қадрият» қисқа муддатли (пул ютуқли) омонат турлари жорий этилди. Биргина «Саховат» қисқа муддатли, пул ютуқли омонат турига 60 кун мобайнида 1427 нафар омонатчи томонидан 27,7 миллион сўмдан зиёд маблағ жалб қилинди. Бу тур омонат тиражи якунлари бўйича ютуқ эгаларига санаторийга йўлланмалар ютуғи чиқди. «Қадрият» қисқа муддатли, пул ютуқли омонат турига бор-йўғи 90 кун мобайнида 1874 нафар омонатчидан 22,9 миллион сўм маблағ қўйилди.

Шунингдек, «Мустақиллик», «Тадбиркор» сингари қисқа муддатли ютуқли омонат турлари ҳам жорий қилиндики, уларнинг ҳаммаси банкимиз бошқармаси фаолияти барасида сезиларли ўзгаришлар ясади.

**— Ҳозир кўп жойларда корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ўз иш ҳақларини банк бўлимлари орқали олишаяпти. Сизларда-чи?**

— Бу тартиб бизда ҳам бор. Жорий йилнинг ўтган ойларида 29 та корхона ва ташкилотларнинг 1751 нафар ишчи-хизматчиларига 47,9 миллион сўмдан зиёд иш ҳақлари банкимиз бўлимларидан тарқатилди.

**— Кредит сиёсати ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Банк хизмати турлари кенгайган сайин тармоқлари ҳам кўпаяди. Ҳозир бошқармамизнинг 12 та шаҳар ва туман бўлимлари, 205 та шаҳобчалари фаолият кўрсатиб турибди. Уларда 763 нафар малакали банк ходимлари меҳнат қилмоқда.

Давлат-тижорат Халқ банкининг 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастурига кўра вилоятда 17 та минибанклар очилиши режалаштирилган. Шунингдек, «2002 йилги кредит сиёсатининг асосий йўналишлари» тўғрисидаги қарор талабларига кўра бошқармамиз томонидан жойлаштирилган кредит қўйилмалари жорий йилнинг сентябрь ойигача жами 704,2 миллион сўм бўлиб, жисмоний шахсларга 209,2 миллион сўм, юридик шахсларга эса 495,0 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ўтган давр мобайнида ўрта ва олий ўқув даргоҳларида таълим олаётган ёшларга 6,1 миллион сўм, уй-жой қуриш ва сотиб олишга 45,2 миллион, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-рўзғор буюмлари харид қилиш учун «Тўёна» ва «Комфорт» кредитларидан 95,3 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Тизимда корпоратив мижозларни жалб қилиш ва улар фаолиятида банк иштирокини таъминлаш орқали молиявий ҳолатларни ривожлантириш борасида ҳам қатор ижобий силжишларга эришилмоқда. Масалан, хўжалик юритувчи субъектларга 495,0 миллион сўмлик кредит берилди. Бунинг асосий қисми, — яъни, 381,5 миллион сўмлик маблағ аҳолининг 13 хил турдаги озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларига бўлган талабини қондириш мақсадларига ажратилди. Қишлоқ хўжалигига 44,7 миллион сўм, қурилиш ва маиший хизмат йўналишларига 12,5 миллион, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 56,4 миллион сўмлик маблағлар йўналтирилди. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, мазкур соҳаларда бу маблағлар асосан тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан вилоятдаги мавжуд 736 та маҳалла фуқаролари йиғинларининг тавсиялари билан ҳар ойда 6532 нафар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари берилиб турибди. «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонга кўра ҳам маҳалла фуқаролари йиғинлари билан ҳамкорликда боласи 18 ёшгача бўлган 93866 та оилага ой сайин 345,43 млн. сўмлик нафақа пуллари тарқатилмоқда.

**— Банк ходимларининг малакаси ва мутахассис кадрларнинг ишчанлик хусусиятлари қандай?**

— Биласиз, ҳар қандай ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Агар кадр малакали, ташаббускор ва изланувчан бўлмаса, бозор иқтисодиёти шароитида нафақат банк хизматида, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ишни олдинга юритиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб биз шу йилнинг ўзида 70 нафар ҳисобчи, назоратчи ва кассирларни бошқармамиз қошидаги икки ҳафталик машғулотларда тест синовларидан ўтказдик. 93 нафар мутахассисимиз республика минтақавий аттестация комиссиясига имтиҳон топширди. Малака ошириш ўқув марказларида 80 нафар ходимимиз таҳсил олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши ҳамда Банк молия Академияларида ўқиб қайтаётган ходимларимиз ҳам тобора ортиб бормоқда.

Ниятимиз, мижоз билан ҳамкор, ҳамжиҳат ишлаб, унинг барча эҳтиёжларини қондириш асносида ҳар бир оилага қут-барака олиб кирсак, бас. Шунда банкларимиз фаолиятларига ҳам қут-барака киради.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

СПОРТ

# ТАЛАБА ПОЛВОНЛАР ТУРНИРИ

КУРАШ

4-5 декабрь кунлари Тошкент Давлат аграр университети спорт саройида талабалар ўртасида кураш бўйича биринчи республика турнири бўлиб ўтди. Мусобақа Ўзбекистон Конституциясининг ўн йиллигига бағишланди. Унда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларидан ташриф буюрган 300 нафардан зиёд курашчи етти вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

— Баҳслар кутилганидан-да шиддатли ва муросасиз ўтди, — дейди мусобақа бош ҳаками, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Аширбек Абдусатторов. — Натижалар курашга иштиёқманд талаба-ёшлар орасидан кўплаб иқтидорли полвонлар етишиб чиқаётганлигини кўрсатди. Келгуси йилдан бошлаб мусобақани халқаро миқёсда ўтказиш мўлжалланмоқда. Кейинги турнирга Хитой, Япония, Жанубий Корея, Монголия, Ҳиндистон ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари талаба-ёшларини ҳам таклиф этиш режалаштирилган.



**Суратда:** мураббий Аширбек Абдусатторов Тошкент Давлат аграр университети талаба-полвонлари билан.

■ **Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат**

# «ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

ФУТБОЛ



Келгуси йилнинг 18-26 январь кунлари Москвада МДҲ мамлакатлари чемпионлари ўртасида анъанавий халқаро турнир ўтказилади. Куни кеча баҳсларга қуръа ташланди. Унга кўра, мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» футболчилари «С» гуруҳидан жой олди. Улар «Шахтёр»(Донецк, Украина), «ФБК Каунас»(Литва), Озарбайжон ёшлар терма жамоалари билан куч синашадилар.

Ҳамюртларимиз гуруҳдаги илк учрашувни 18 январда Украина чемпиони «Шахтёр» футболчилари билан ўтказади. Иккинчи ўйинда пахтакорчилар Озарбайжон ёшлар терма жамоаси рақиби бўлса, сўнгги турда «ФБК Каунас» футболчиларига қарши майдонга чиқишади. Учрашувлар 19-21 январь кунлари бўлиб ўтади.

Қолган гуруҳларда эса қуйидаги жамоалар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришади:

**«А» ГУРУҲИ.** «Локомотив» (Москва, Россия), «Торпедо» (Кутаиси, Грузия), «Иртиш» (Павлодар, Қозоғистон), СКА-ПВО (Бишкек, Қирғизистон)

**«В» ГУРУҲИ.** «Сконто» (Рига, Латвия), БАТЭ (Борисов, Белорусия), «Пюник» (Ереван, Арманистон), «Регар-ТадАЗ» (Турсунзода, Тожикистон)

**«Д» ГУРУҲИ.** «Флора» (Таллин, Эстония), «Шериф» (Тирасполь, Молдова), «Шағадам» (Туркманбоши, Туркманистон), Россия ўсмирлар терма жамоаси.

Мусобақа низомига кўра, кучли саккиз жамоа кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

КАРАТЭ

# БУДАПЕШТДАН УЧ ОЛТИН, ИККИ БРОНЗА

Венгрия пойтахти Будапештда клублар ўртасида ўтказилган II жаҳон чемпионатида вакилларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Дунёнинг ўттизга яқин давлатлари спортчилари қатнашган мазкур мусобақада ўсмирларимиз илк маротаба ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Ўн бир нафар ёш каратэчини ўз таркибига жамлаган Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида уч олтин ва икки бронза медалига сазовор бўлди.



**Суратда:** жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорлари Нодир Хўжаев, Ўткирхўжа Муллахўжаев, Азимжон Самиевлар устозлари Нурхон Нафасов билан.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ СОҲИБЛАРИ

# ТАРИХ БИЛАН ТИЛЛАШГАН



**Илм майдонига қадам қўйган инсон борки, у қилажак ишлари, яратажак кашфиётлари билан миллат шаънини кўтаради, Ватан номини улуғлайди. Ҳар бир даҳо истеъдодининг қудрати, маънавиятининг юксаклиги билан маълум маънода илм сарҳадларини кенгайтиради. Эзгулик йўлида янги уфқлар очилади. Истиқлолнинг қутлуғ шарофати ўлароқ, фанимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшганлар хотирасини ёд этиш ҳамда улар қолдирган катта илмий-ижодий меросни ўрганиш йўлида хайрли ишлар бошлаб юборилди. Илм-фан дарғаларининг улуғ ишлари ёш авлодга ўрнак сифатида кўрсатилмоқда. Ўтмишдаги жасоратлари ёд этилиб, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқдалар. Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида ўз илмий ва ижодий салоҳияти билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган бир гуруҳ алломалар қатори ўзбек археология фанининг ҳақиқий билимдони, академик Яҳё Ғуломов ҳам «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.**

## АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ ЁДИ

Маълумки, республикамизда гуманитар фанлар ичида археология фани нисбатан ёш соҳа ҳисобланади. Боиси, турғунлик йилларининг бошларида ушбу соҳа бўйича маҳаллий кадрлар тайёрлашга етарлича эътибор берилмас, фаннинг назарий ва илмий асосларини ривожлантиришга зарур муҳит шаклланмаган эди. Мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум таъсирида юзага келган муҳит кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришга имкон бермас, бинобарин, бунга йўл ҳам йўқ эди. Сабаби, «марказ» томонидан ўрнатилган сиёсат тарих ва археология бобида ҳам аёвсиз камситишга ва сохталаштиришга хизмат қилар эди. Ана шундай мураккаб даврда археология фанининг фидойи ва жонкуяр вакили Яҳё Ғуломов Ўзбекистонда соҳанинг ривожланиб, тараққий этишига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшди. Яҳё Ғуломов миллатимиз тарихи, маданияти, маънавияти ва маърифатининг туб илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалишини қалбан ҳис қилар, ақлан тушуниб етарди. Тарихимизнинг илк саҳифаларини тиклаб, унинг зарварақларини тўлдиришда ўлкамиздаги мавжуд беҳисоб осори-атиқаларнинг ягона манба сифатидаги моҳиятини ҳисобга олиб, иложи борича археологик тадқиқотларни кенгайтириш билан бир қаторда соҳа олимларини тарбиялаб вояга етказиш ишига катта аҳамият берди. Натижада республикамизда археология фани бўйича унинг мактабига асос солинди.

Биринчи ўзбек археолог олими Яҳё Ғуломовнинг ҳаёт йўли ғоят машаққатли ва сермазмун. 1908 йилнинг 1 май куни Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур даҳасидаги Оқмачит маҳалласида мадраса ўқитувчиси оиласида дунёга

1

келган бўлажак олимнинг болалик йиллари тенгдошлариникидан деярли фарқсиз эди. Отаси Ғуломхон махсум Тошкентнинг машҳур Хўжа Аҳрор мадрасасида мукаррир (мударрисга ассистент)лик қилар, онаси Сорахон мактабдор эди. Яҳё Ғуломовнинг укаси Саидаҳмад Ғуломовнинг эслашича, Сорахон опа зеҳни ўткир, қариндош-уруғ ва маҳалла-кўй орасида энг обрўй аёллардан бўлган.

Яҳё 10 ёшга тўлганида отаси Ғуломхон махсум вафот этади. Онаси Сорахон уни ҳозирги Аброр Ҳидоятов театри ўрнида жойлашган «Намуна» мактабига ўқишга беради. Бу мактабда Мусо Тошмуҳаммад Ойбек, Абдулла Бобохонов, Исо Раззоқов, Фотиҳ Орипов, Ёқуб Алиев, Абдулла Раҳимов, Буюк Каримов ва бошқалар ўқиган. Устозлардан Лутфулла қори, Хатибзода, Исмоил муаллим, Ҳайдар Носирий, Акбар домла, Юсуф ва Эсон афандилар сабоқ беришган.

Бўлғуси олим мактаб таҳсилидан сўнг 1927-30 йилларда Самарқандда Ўзбек давлат педагогика академиясининг талабаси бўлди. У ерда машҳур олимлар Пўлат Солиев, Мусо Саиджонов, Абдурауф Фитрат, Василий Вяткинлардан сабоқ олди. Айни шу даврда у илмга қизиқувчан бўлганлиги учун шарқшунос олим, археолог Василий Вяткиннинг назарига тушади. Ундаги фанга фидойиликни пайқаган устози «Мусулмон шарқи тарихи» фанидан чуқур билим беришга ҳаракат қилади. «Мен В.Вяткинни хотирлар эканман, унинг бир шогирди, аввал уни ёмон кўриб, кейин ихлос қўйган фан арбоби сифатида хотирлайман», — деб ёзган эди Яҳё Ғуломов.

Вяткиннинг таъсирида унда тарихга, айниқса, археология илмига бўлган қизиқиш кучайди. Устози бошчилигидаги археологик қазиш ишларига қатнаша бошлайди. Илк таассуротлар аста-секин фанга бўлган ҳақиқий жонкуярликка айланди. Тарихни ўрганиш йўлидаги машаққатли изланишлар, бебаҳо илмий тадқиқотлар дунёга келди.

Самарқанд таҳсили тугагач, мустақил изланишлар бошланади. Бу даврда Ўзбекистон Халқ комиссарлари совети ҳузурида тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш республика комитети («Ўзкомстарис») ташкил этилиб, унга архитектура ёдгорликларини сақлаш билан бир қаторда, республикада археологик тадқиқотлар олиб бориш иши ҳам юклатилади. 1933 йилда Яҳё Ғуломов шу комитетга аввал илмий ходим, сўнгра котиб қилиб тайинланади. Мана шу даврга келиб, у Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз ва Тошкентдаги архитектура ёдгорликларини сақлаш ва уларни ўрганиш юзасидан археологик экспедицияларда ҳам қатнаша бошлади.

Яҳё Ғуломов 1933-34 йилларда Термиз ва Зарафшон археологик экспедицияларида қатнашди. 1936 йилдан бошлаб у Хоразм ва Қорақалпоғистонда Рашид Набиев ва Турди Мирғиёсов билан бирга Пилқалъа, Тешикқалъа, Норинжон, Гулдурсун қалъаларини ўрганишга раҳбарлик қилди. Шу йили Яҳё Ғуломов қадрдон дўсти, машҳур археолог Сергей Толстовни Хоразмда биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказишга таклиф этди. 1937 йилнинг кузида Сергей Толстов раҳбарлигида Хоразм археологик экспедецияси иш бошлади. Кўҳна маданият обидаларини тадқиқ этишда Яҳё Ғуломовнинг роли катта. У воҳада қадимги сунъий суғориш иншоотларига доир «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» номли китоб устида иш бошлади.

Хоразм воҳаси, еридаги ноёб тарихий ёдгорликлар Яҳё Ғуломов фаолиятида муҳим ўрин тутади. Қатор изланишлардан сўнг тўпланган материаллар асосида «Хива ва унинг ёдгорликлари» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Сўнгра илмий тадқиқотларини Амударё этакларида сунъий суғоришнинг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш билан давом эттирди. Бу изланишлар самараси ўлароқ, Амударё дельтаси бўйлаб кўпгина нодир археологик ёдгорликлар топилди ва уларни ўрганиш бошлаб юборилди. Лекин шу ўринда таъкидлаш керакки, толмас археолог бу тадқиқотлар давомида соҳанинг талай қийинчилик ва машаққатлари билан юзма-юз келди. Уларни енгишга ўзида куч ва ирода топа билди. Одатда бундай матонат фақатгина ҳақиқий илм фидойиларидагина бўлади.

1943 йил Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилди. Бу шубҳасиз республика илм-фан ва маданияти равнақида катта воқеа бўлди. Шу даврдан бошлаб мамлакатимизда фан соҳалари маълум меъёрлар асосида ривожланиш палласига кирди. Бирин-кетин ўқув даргоҳлари, илмий-текшириш институтлари ташкил этилиб, уларда миллий кадрлар тайёрлаб етиштиришга озми-кўпми саъй-ҳаракатлар бошланиб кетди. Бу даврга келиб, Яҳё Ғуломов тинимсиз изланишлардан сўнг тарих ва археология соҳасида ўзбек фарзандлари орасида биринчилардан бўлиб етук мутахассис бўлиб етишади.

Илмий экспедицияларда орттирилган бой тажрибалари асосида Яҳё Ғуломов 1950 йили Москвада «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. Шундан сўнг у юртимиздаги яна бир қадимий маданият ўчоғи — Бухоро воҳасидаги моддий ва маънавий ёдгорликларни ўрганишга киришади.

Олимнинг шогирди, таниқли археолог Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг эслашича, ўша вақтларда Бухородан 40 км. шимоли-ғарбда Қизилқумда кўмилиб кетган қадимий Бухоро ҳокимларининг пойтахти Варахшада таниқли археолог В.Шишкин қазишма ишлари олиб бормоқда эди. У Яҳё Ғуломовни бу ердаги ишларга жалб этди. Яҳё Ғуломов у ерда томи гумбазли, деворлари пахса ва қуёшда қиздирилган хом ғиштлардан бино қилинган Варахша саройининг харобаларини кўрди. Сарой деворларининг бир қисми нафис ганчкорлик нақшлари, бошқа қисмлари — турли карвонлар ва ов манзаралари тасвирланган бўёқли расмлар билан безатилган эди. Бу ажойиб санъат илк ўрта аср маданиятига мансуб бўлиб, унинг чуқур илдизлари қадимга бориб тақалар, аммо ўша кўҳна тарихнинг бундай обидалари Бухоро археологиясида ҳали ўрганилмаган эди.

2

Ватанимизнинг кўп асрлар давомидаги бой тарихини ўз ичига олган кўп томли «Ўзбекистон тарихи»ни ёзишда атоқли археолог ва тарихчи олимлар қаторида Яҳё Ғуломов ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон тарихининг 1949 йилда нашр этилган икки томлиги илмий чуқурлиги ва муҳим тарихий манбаларга таянилганлиги учун юқори баҳоланди. Кейинроқ шўролар мафкураси талаби билан бу 2 томлик сохталаштирилган, қисқартирилган, компартия роли бўрттирилган 3 томли «Ўзбекистон тарихи»га айлантирилди.

Атоқли тарихшунос Абдулаҳад Муҳаммаджонов «Яҳё Ғуломовни хотирлаб» асарида устозининг Ўзбекистон илм-фани учун қилган хизматларини меҳр-муҳаббат билан ёритади. Муаллиф ёзишича, Яҳё Ғуломов Ўзбекистонда археология илмий мактабига асос солган. Устоз етиштирган шогирдлари билан ҳамкорликда қадимий ўзбек маданиятининг турли соҳаларида ибтидоий давр, деҳқончилик, ирригация, ўн минг йиллар аввалги илк шаҳарлар, миллион йиллар аввалги манзиллар чуқур таҳлил этилиб ажойиб илмий кашфиётлар қилинди. Яҳё Ғуломов раҳбарлигида иш олиб борилган Афросиёб, Айритом, Замон Бобо, Моҳондарё, Пойканд, Варахша, Зараутсой археологик кашфиётлари жаҳонга машҳурдир. Бу кашфиётлар натижасида 1970 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Археология илмий-тадқиқот институти ташкил топди.

Қуйидаги воқеа Яҳё Ғуломовнинг Ватанимиз тарихига фидойилигини яққол намоён этади. Пахта яккаҳокимлиги йилларида республикамизнинг турли вилоятларида нодир осори-атиқалар сақланган тепаликлар бузилиб, пахтазорга айлантирила бошланди. Бундан ташвишга тушган Яҳё Ғуломов бир неча марта ҳукумат раҳбарлари ҳузурига киради. Натижада ЎзРФА, Маданият вазирлиги ҳамда жамоат вакиллари иштирокида Ўзбекистонда тарихий маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш жамияти ташкил этилди. Шундан сўнг қаерда осори-атиқалар сақланган жойлар бузила бошланса, бу ташкилот аралашуви билан ўша ҳудудга тегиш ман этиладиган бўлди. Бундай азиз жойларнинг рўйхатлари бойитилиб, янгиланиб, вилоят раҳбарларига етказилди.

1966 йилда Самарқанд — Бухоро йўли кенгайтирилаётган вақтда қурилиш ишлари қадимий Афросиёб харобалари устига тўғри келади. Бульдозерлар Афросиёб тепалиги устида тупроқ сураётганида, қадимий сарой деворининг рангдор безаклари кўриниб қолади. Шу ерда қазув ишлари билан шуғулланаётган Яҳё Ғуломовнинг шогирдларидан бири, археолог И.Аҳроров воқеадан хабар топгач, зудлик билан ЎзРФА Президиумига, устоз номига «Афросиёб хавф остида» деган мазмунда шошилинч телеграмма жўнатади. Яҳё Ғуломов ўша куниёқ Самарқандга келади. Вазиятни ўргангач, вилоят мутасаддилари билан гаплашади, марказга — ҳукумат раҳбарларига қўнғироқ қилади. Масала мураккаб эди: йўл қурилиши лойиҳасига кўра, агар йўналиш ўзгартирилса, жуда катта қўшимча маблағ талаб қилинарди. Шунга қарамай, Яҳё Ғуломов раҳбарларни Афросиёбнинг жаҳоншумул нодир ёдгорлик эканлиги, у бузилса авлодлар олдида кечириб бўлмас хатога йўл қўйилишига ишонтирди. Шундан сўнг, йўл шаҳар чети бўйлаб ўтказиладиган бўлди. Жонкуяр олимнинг саъй-ҳаракати билан тарихнинг яна бир бебаҳо мероси сақлаб қолинди. Кўп ўтмай бу ердан Афросиёб саройининг VII асрга мансуб рангли деворий суратлар галереяси топилиб, умумбашарий аҳамиятга молик маданият бойлиги миллат тарихи кўзгуси сифатида Самарқанд шаҳар музейидан жой олди.

Академик Яҳё Ғуломов миллатимиз тарихига қайғурган, уни ҳаққоний ўрганилиши ва яратилишига ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган илм фидойиси эди. Гарчи олим қийин шароитларда ижод қилишга мажбур бўлсада, фанда ўз мактабини яратишга эришди. У тарбиялаб етиштирган шогирдлари бугун устоз мактабининг давомчилари сифатида юртимизнинг барча жабҳаларида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда, фанда Яҳё Ғуломов бошлаб берган анъаналарни давом эттирмоқда.

Қадим тарих зарварақларидан миллат шаъни, уни қадр-қимматини излаган инсон, бугун истиқлол туфайли қадр топди. Буюк хизматлари ўз мукофотини олди.

Устоз қўлида тутган мозий машъаласи тарих илми билимдонлари йўлини ҳамиша ёритиб туради.

■ **Абдуқаюм АЙРИТОМИЙ,**
**фалсафа фанлари номзоди**

3



## Азиз юртдошлар!

Сизларни Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди жамоаси Давлатимизнинг Асосий Қонуни, эркимиз, қадр-қимматимиз кафолати — Конституциямизнинг 10 йиллиги ва қутлуғ Рамазон ҳайити умумхалқ байрамлари билан муборакбод этади.

Барчага сиҳат-саломатлик, узоқ умр, фаровонлик, ишларида кўзлаган улкан ниятлари ижобат бўлишини тилайди.

Давлатимиз тинч, ҳар бир оилада осойишталик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлсин.

**Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди марказий кенгаши ҳайъати**




### ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Австралия ҳукумати икки ой давомида мамлакат ҳудуди бўйлаб террорчилик ҳаракатлари хавф солиши эҳтимоли борлиги ҳақида маълумот олгач, ҳаво транспортида хавфсизлик чораларини янада кучайтирмоқда. Жумладан, Австралия авиация хизмати ёзги ўқув-машқ мактаблари, аэропорт, вертолёт хизмати, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган авиация компанияси ходимларига эҳтиёткорлик чоралари ҳақидаги тавсияномаларни тарқатди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

### ЭЛЧИНИ ИШДАН БЎШАТДИ

Маълумки, яқинда Прагада бўлиб ўтган НАТО саммитида Белорусия Президенти Александр Лукашенко қатнаша олмади. Негаки, унинг Чехияга бориши учун виза берилмаган эди. Шу важдан Лукашенко Белорусиянинг Чехиядаги элчиси Владимир Бельскийни чақириб олганди.

«Ростбалт» берган ахборотга кўра, яқинда Президент элчини ишдан бўшатди. Унинг сабаблари ҳозирча ошкор этилмаяпти.

### ҚИРОЛ МАҲБУСЛАРНИ АВФ ЭТДИ

Таиланд қироли Пумипон Адулядет 75 ёшга тўлди. У ўзининг туғилган куни муносабати билан мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган маҳбуслардан 5623 нафарини авф этиб, озодликка чиқарди. Улар ўғрилик ва гиёҳвандлик жиноятлари учун қамоққа олингандилар.

Таиланд бош вазири Таксин Шинаватра авф этилганлар олдида сўзга чиқаркан, улар қиролнинг сахийлигидан миннатдор бўлишларини уқтирди. Янги ҳаёт бошлаш имкониятидан тўғри ва етарли фойдалана билишларига умид билдирди.

### ПУЛИ ТЎЛАНСА БАС, АРМИЯГА БОРМАЙДИ

Қирғизистон парламентининг Қонун чиқарувчи мажлиси (қуйи палата) «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиб, яқинда қайтадан қабул қилди. Юқори палата ҳам уни кўриб чиқди. Энди Президентнинг имзо чекиши қолди холос, дейилади «Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарда.

Ўзгартириш киритилган қонунга кўра, эндиликда армия ёшига етган йигит хоҳласа армияга бориб ҳарбий хизматни ўтайди, хоҳламаса белгиланган миқдордаги пулни давлат ғазнасига тўлаб, ўзини хизматдан озод этади. Тўлов 25 минг сом (550 доллар) қилиб белгиланди. Қонун чиқарувчи мажлиснинг давлат хавфсизлиги масалалари бўйича қўмитаси раиси Исмоил Исоқовнинг айтишича, муддатли ҳарбий хизматда хизмат қилаётган бир аскар учун бир йилда айнан шунча маблағ сарфланар экан.

Депутатлардан бирининг гапига қараганда, албатта ҳар бир йигит ватан олдидаги бурчини бажариши лозим. Лекин шу нарса маълумки, айрим ўзига тўқ оилалар пора эвазига ўғилларини армиядан олиб қолмоқдалар. Шунинг учун ҳам пул эвазига армиядан олиб қолиш тартибини жорий қилмоқдамиз. Фақат энди бу пул айрим корчалонларнинг чўнтагига эмас, балки давлат ғазнасига, тўғрироғи, армияни ривожлантириш фондига тўланади.

### КЕМА ТУБИДА КОКАИН

Испания полицияси Панама каналида рўйхатдан ўтаётган кема капитани ва унинг 10 нафар ходимини қамоққа олди. Бу ҳақда Reuters хабар берди.

Сабаб: кема Испаниянинг Хихон портида текширувдан ўтказилаётганда кема остида 2 тонна кокаин моддаси борлиги аниқланган.

Металлом ортган мазкур кема Венесуэладан Гамбургга кетаётган эди. Полициянинг айтишича, қамоққа олинган капитан Германия фуқароси экан.

### ДОЛЛАР ЯНГИЛАНАДИ

АҚШ ўз валютаси — долларни ўзгартиришга қарор қилганига ҳам мана 5 йилдан ошмоқда. Ва шунча йилдан бери янги банкнотлар чиқариш йўлида тайёргарлик ишлари давом этмоқда.



Янги банкнотлар ранг-тасвирга бойлиги билан ҳозиргиларидан кескин фарқ қилади. Фақат евро сингари тиниқ рангда эмас. 20 долларлик банкнотларнинг янги намунаси келгуси йил баҳорда намойиш этилади. Кузда эса муомалага киритилади. Ўшандан сўнг одамлар тилида долларга нисбатан кенг қўлланиладиган «кўк» атамаси аста-секин муомаладан чиқса ажаб эмас. Негаки, янги банкнотларда яшил ранг кўп қўлланилмаган.

Кейинги бир ярим йил мобайнида 50, 100 долларлик банкнотлар ҳам пайдо бўлади. Долларнинг ҳажми, уларда акс эттирилган президентларнинг суратлари ҳам ўзгаришсиз қолади. Фақат бу суратларнинг айрим деталлари ҳамда бошқа тасвирлар ўзгартирилади. Унинг сохталаштирилишига қарши муҳофаза механизми эса айнан аввалгидек қолади.

АҚШ пул белгилари бюросининг директори Томас Фергюсоннинг айтишича, бюро замонавий босма станоклардан 5 тасини сотиб олган. Янги банкнотларни чиқариб, муомалага киритиш жараёнининг сарф-харажатлари 53 миллион долларни ташкил этар экан.

Янги долларнинг ранги, унинг тасвирлари аниқ қандай кўринишда бўлишини Фергюсон ҳозирча сир тутмоқда.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

## ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**2002 йил 25, 26 декабрь кунлари Навоий шаҳрида соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такрорий қўйилади:**

1. Учқудуқ тумани «ДЭУ» участкасидан уй-жой қуриш учун умумий майдони 400 кв. м. дан бўлган 30 дона ер майдони. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 3200 сўмдан.**

2. Конимех тумани, Ажиниёз кўчасидан уй-жой қуриш учун умумий майдони 400 кв. м. дан бўлган 14 дона ер майдони. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 12000 сўмдан.**

**2003 йил 10, 14 январь кунлари соат 15.00 да Хатирчи тумани Э. Абдиев номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:**

1. Хатирчи тумани, Э. Абдиев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан уй-жой қуриш учун майдони 400 кв. м. дан бўлган 84 дона ер майдони. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 8630 сўмдан.**

**2003 йил 24, 28 январь кунлари соат 15.00 да Хатирчи тумани Э. Абдиев номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:**

1. Хатирчи тумани, Э. Абдиев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан уй-жой қуриш учун майдони 400 кв. м. дан бўлган 54 дона ер майдони. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 8630 сўмдан.**

**2003 йил 15 январь куни соат 15.00 да Нурота тумани ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилади:**

1. Нурота туман марказий шифохонасига қарашли автоуловлар.

— 1988 йилда ишлаб чиқарилган УАЗ-396201 русумли, давлат рақами 22-94 НВН автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 178 000 сўм.**

— 1990 йилда ишлаб чиқарилган УАЗ-315201 русумли, давлат рақами 21 АВ 346 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 129 000 сўм.**

— 1987 йилда ишлаб чиқарилган УАЗ-315201 русумли, давлат рақами 6140 НВА автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 129 000 сўм.**

— 1988 йилда ишлаб чиқарилган УАЗ- 2413 русумли, давлат рақами 21 АВ 341 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 274 000 сўм.**

**2003 йил 16, 17, 20 январь кунлари соат 15.00 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қўйилади:**

1. «Навоийаэропорти»га қарашли 1970 йилда қурилган, Навоий тумани, Маликработ қўрғонида жойлашган бўш турган бино. **Бошланғич баҳоси — 233 000 сўм.**

2. Кармана тумани, Янгиобод кўчаси, 51-уйда жойлашган 4 хонали ҳовли жой. **Бошланғич баҳоси — 1815333 сўм.**

*(Қўшимча изоҳ: Нурота туманида 2003 йил 15 январь куни ўтказиладиган кимошди савдосида сотилмай қолган мулклар 16, 17, 20 январь кунлари Навоий шаҳрида ўтказиладиган савдога қўйилади).*

Савдоларга қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар, автомототранспортлар ва бошқа объектлар бўйича савдодан 1 соат олдин, ер майдонлари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилояти филиалига мурожаат қилишларини сўраймиз.

**ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН МАНЗИЛ: НАВОИЙ ШАҲРИ, П. ОЧИЛОВ КЎЧАСИ, 24-УЙ. ТЕЛ: (436) 224-15-61, 224-64-31.**

